

МУСТАКИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАЪНАВИЙ МАДАНИЙ ХАЁТ

Умрзақова Муборакхон

*Абу Али Ибн Сино номидаги саломатлик
техникуми ўқитувчиси*

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ислохотларини амалга ошириш билан бир вақтда маънавий меросимизни, маданий қадриятларимизни тиклаш ва уларни халқимизга етказиш борасида кенг кўламда фаолият кўрсатган. Республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, маънавийнинг моҳияти шунчалик кенгки, уни ўлчаб ҳам, поёнига етказиб ҳам бўлмайди. У инсон учун бутун бир оламдир. Жамиятимиз ҳаётида маънавий камолотни тезлаштириш, миллий истиқлол мафқурасини шакллантириш, миллий қадриятларни ўрганиш мустақилликни мустаҳкамлашнинг асосий вазифаларидан биридир.

Ҳаётимизда маънавий камолотни ривожлантириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда – аждодларимизнинг бизгача етиб келган бой маданий меросларини ўрганиш ҳам катта ўрин эгаллайди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қадриятлар, урф – одатлар, буюк ота – боболаримизнинг бизга қолдирган меросларини ўрганиш ва тарғиб этиш учун кенг йўллар очилди. Бу борадаги тадбирлар мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ амалга оширила бошлади.

1991 йили буюк аллома, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий юбилейини ўтказиш катта воқеа бўлди. Бу тантанага бағишланиб Республикамизда шоирнинг асарлари нашрдан чиқарилди. 1994 йили Мирзо Улуғбек таваллуд топган куннинг 600 йиллиги кенг кўламда, жаҳон миқёсида нишонланди. ЮНЕСКО нинг Париждаги қароргоҳида юбилейга бағишланган хафталик ва кўргазма очилди.

Мустақиллик йилларида буюк соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги бўлиб ўтди. ЮНЕСКО томонидан 1996 йил “Амир Темур йили” деб эълон қилинди. Шу йили ЮНЕСКО нинг Париждаги қароргоҳида “Темурийлар даври, фан, маданият ва маорифнинг гуллаб яшнаши” мавзуида анжуман ва унга бағишланган кўргазма очилди. Мамлакатимизда “Темур ва темурийлар музейи, Темур номи берилган боғлар, кўчалар барпо этилди.

Республикамизда бизгача етиб келган бой меросларни ўрганиш, миллий ўзликни англаш, маънавий қадриятларни ривожлантиришга катта кўламда эътибор берилмоқда ва уларга нисбатан халқимизнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилмоқда. Сўнгги йилларда ташкил этилган “Олтин мерос” жамғармаси, Абдулла Қодирий номидаги “Мерос” нашриётлари кенг миқёсда маънавий – маърифий ишларни олиб бормоқда. • Ислом оламининг алломалари Исо ат – Термизийнинг 1200 йиллиги, Махмуд Замахшарийнинг 920 йиллиги, Нажмиддин Қурбоннинг 850 йиллиги, Баҳовуддин Нақшбандийнинг 675 йиллиги кенг кўламда нишонланди. Уларнинг бой асарлари нашрдан чиқарилди.

Барча вилоятлар ва шаҳарлар ҳар йили Алишер Навоий, Бобур, Машраб,

Огахийларга бағишланиб кечалар ўтказилади, Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллик таваллудига, “Алпомиш” достонини 1000 йиллигига яратилишига бағишланган турли кечалар, баҳслар ташкил этилди. • Маънавий ҳаётни такомиллаштириш борасида 1994 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан маънавий кадриятларни ўрганиш ва уни такомиллаштириш борасида “Маънавият ва маърифат” жамоатчилиқ марказини тузиш ҳақида фармон эълон қилинди. Марказ томонидан Имом ал-Бухорийнинг юбилейига бағишлаб, Қуръони Шарифдан кейин иккинчи ўринда турадиган “АлЖомеъ ас-Соҳийҳ” (Ишонарли тўплам), “Ал-адаб, ал-Муфрад” (Адаб дурдоналари) ўзбек тилига таржима қилиниб, нашрдан чиқарилди.

1998 йили Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги, Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги жаҳон миқёсида кенг нишонланди. Юбилейлар муносабати билан алломалар ҳаётига бағишланган илмий анжуманлар ва бадий кўргазмалар очилди. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда чинаккам миллий кадриятларни тиклаш учун юритилаётган катта ишлардан далолат беради. Айниқса, ал-Бухорий халқаро жамғармасининг очилиши катта воқеа бўлди. Республикамиз Президенти Имом ал-Бухорийнинг, Аҳмад ал-Фарғонийнинг мўътабар номларини тиклаш, халқимиз, қолаверса, бутун дунё мусулмонларига қаратилган шахсий ташаббуси билан ул зоти шарифлар шаънига улуғвор ёдгорликлар ва жамғармалар тузишга имкон яратилди. Жамғарманинг мақсади Имом ал Бухорийнинг ҳаёти, илмий мероси, у яшаган давр фани ва маданиятига оид бўлган тарихий манбаларни ўрганиши ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Маънавий меросининг тикланиши, унинг бир бўлаги бўлган диний кадриятларга ҳам эътиборини кучайтирди. 1992 йил Президент фармони билан Рамазон ва Қурбон хайит кунлари умумхалқ байрами деб эълон қилинди, “Ҳаж” сафарлари тикланди. “Моворауннахр” диний бошқармаси ҳам фаолияти Республикамиз ҳаётида ўз ўрнини эгалларди. Халқимизнинг асрлар давомида нишонланиб келинган байрамлардан “Наврўз” умумхалқ байрами сифатида қайта тикланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А.Каримов Истиқлол ва маънавият. Т., “Ўзбекистон”, 1994.
2. И.А.Каримов Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., “Ўзбекистон”, 1992.
3. И.А.Каримов Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон”, 1997 й.
4. И.А.Каримов. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. “Ўзбекистон”, 1997 й.
5. И.А.Каримов. Жамиятимиз мафқураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. Т. “Ўзбекистон”, 1998.
6. И.А.Каримов. “Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз” “Туркистон” газетаси муҳбири саволларига жавоблари. “Туркистон”, 22 январ, 1999 й.
7. Х.Зиёев. Амир Темур давлатининг мафқураси. “Ўзбекистон овози”, 12 октябр, 1995.
8. А.Чориев. Миллий истиқлол мафқураси ва унинг асосий хусусиятлари. “Мулоқот” №4, 1996 й.
9. А.Иброҳимов, Х.Султонов, Н.Жўраев Ватан туйғуси. Т. “Ўзбекистон”, 1996 й.